### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

# 60 «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида

«Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг она ва бола соғлиғини мустаҳкамлашга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ва республикада соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилган вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этиши учун қушимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор килади:** 

1. Қуйидагилар «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли булмаган халкаро хайрия фондининг (кейинги уринларда Фонд деб аталади) энг муҳим вазифалари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин:

жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда соғлом, баркамол ёш авлодни шакллантиришга йуналтирилган саъй-ҳаракатларни мувофиҳлаштириш;

давлатнинг она ва бола соғлиғини мустаҳкамлашга, соғлом авлодни вояга етказиш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий дастурлари мақсадлари ва мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этишни ташкил қилиш;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, энг аввало, куп болали оилалар, аёллар, ногиронлар, ногирон болалар ва болалар уйлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида яшовчи шахсларга мурувват ёрдами курсатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



перинатал марказлар, скрининг-марказлар, реабилитация марказлари, тугруққа кумаклашувчи, педиатрия даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа муассасаларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустахкамлашга ҳар томонлама кумаклашиш;

профилактика чора-тадбирларини кучайтириш хамда ахолини вирусли ва юкумли касалликлардан химоя килиш ишончлилигини ошириш, ногиронликни реабилитация килиш, олдини олиш ва улар профилактикаси ишлари, онкология муассасалари, силга карши хизматлар ва бошка хизматларнинг моддий-техника базасини мустахкамлашга кумаклашиш, профилактика ишларининг самарали тизимини шакллантириш, ижтимоий ахамиятли касалликларни барвақт аниклаш ва даволаш;

она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тайёрлаш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш;

давлатнинг ижтимоий дастурларини амалга ошириш доирасида юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эхсонларини жалб этиш ва жамлаш буйича фаол иш олиб бориш.

#### 2. Қуйидагиларга:

«Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли булмаган халқаро хайрия фондининг Васийлик кенгаши таркибига 1-иловага мувофик;

«Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли булмаган халқаро хайрия фондининг ташкилий тузилмасига, «Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли булмаган халқаро хайрия фондининг ходимларининг чекланган сони 21 нафар булган Бошқаруви тузилмасига ва унинг худудий филиаллари тузилмасига 2 — 4-иловаларга мувофиқ;

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли булмаган халқаро хайрия фонди турисидаги низомга 5-иловага мувофиқ розилик берилсин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, Фонднинг асосий пул маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эхсонлари;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг, хорижий давлатларнинг грантлари;

Фонднинг, шунингдек Фонд олдига қуйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида унинг томонидан таъсис этилган ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

4. Белгилаб қуйилсинки:

Фонд Бошқаруви аппарати ва унинг худудий филиаллари таъминоти Фонднинг ўз маблағлари хисобига амалга оширилади;

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарорининг амал қилиши Фонднинг бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан тасарруфидаги давлат мулкига татбиқ этилмайди.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Фонднинг уставидаги вазифаларини ҳал этишда унинг ҳудудий филиалларига доимий равишда самарали кумаклашсинлар.



Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига, Республика «Оила» илмий-амалий марказига, Ўзбекистон Хотин-қизлар қумитасига ва бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотларига Фонднинг уставдаги вазифалари амалга оширилишини таъминлашда Фонд билан узаро фаол ҳамкорлик қилиш тавсия этилсин.

6. Фонднинг ва Узбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлигининг Молия вазирлиги билан келишилган:

Фонднинг кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаларининг штатдаги ходимлари сонини саккиз нафаргача етказиш тургисидаги;

амбулатория-поликлиника муассасаларининг участка врачлари ва тиббий хамширалари учун амалда бўлган узлуксиз иш стажи муддати учун устамалар белгилаш тартиби Фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари тиббиёт ходимларига татбиқ этиш тўгрисидаги;

Фонднинг кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаларининг қишлоқ жойларга борадиган ходимларига хизмат сафари харажатларини тулаш турисидаги таклифларига розилик берилсин.

- 7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фонднинг кўчма тиббийижтимоий ёрдам бригадалари таъминотига қўшимча маблағлар ажратсин ва соғлиқни сақлаш муассасалари таъминоти учун назарда тутилган маблағлар доирасида ҳар йили Фондга зарур маблағларни назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.И. Икрамов ва Э.И. Баситханова зиммасига юклансин.

### Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2014 йил 30 январь, 20-сон



**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.** 

5 (609)-coн — 15 — 60-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 1-ИЛОВА

### «Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг Васийлик кенгаши ТАРКИБИ

Баситханова Э.И. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-

босари, Васийлик кенгаши раиси

Қучқоров Ж.А. — Молия вазирининг уринбосари, Васийлик кенгаши

раисининг ўринбосари

Алимов А.В. — Соғлиқни сақлаш вазири Иноятов У.И. — Халқ таълими вазири

Ходжиматов М.М. — Маданият ва спорт ишлари вазири

Хаитов А.А. — Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш

вазири

Хаджаев А.Д. — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси

Алимов Б.Х. — «Ўзбекнефтгаз» МХК бошқаруви раисининг ўрин-

босари

Юлдашев Ф.М. — «GM-Uzbekistan» ЁАЖнинг бош директори

Каримов У.Д. — «Олмалиқ КМК» ОАЖ бош директорининг ўрин-

босари

Арипов К.Т. — «Асака» ДАТБ бошқаруви раиси

Обиджонов Ж.О. — «Ўзсаноаткурилишбанк» ОАТБ бошкаруви раиси-

нинг биринчи ўринбосари

Хусанов Н.Б. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият

миллий банки бошқаруви раисининг биринчи ўрин-

босари

Ахмедов А.А. — Республика «Махалла» хайрия жамоат фонди раиси

Fаниев Б.М. — «Камолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати

раиси


Изох: васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.



60-модда — 16 — 5 (609)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 2-ИЛОВА

# «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли булмаган халқаро хайрия фондининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ






**5 (609)-сон** — 17 — 60-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 3-ИЛОВА

### «Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Бошқаруви ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони (техник ва хизмат курсатувчи ходимлардан ташқари) — 21 нафар.


\* Тиббий-ижтимоий марказнинг кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари ходимларининг таъминоти Давлат бюджети маблаглари хисобига амалга оширилади.



60-модда — 18 — 5 (609)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 4-ИЛОВА

# «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди ҳудудий филиалининг ТУЗИЛМАСИ



Изоҳлар: Тошкент шаҳри буйича ҳудудий филиалларга юкланган функцияларни Фонд Бошқаруви бажаради.

Ходимларнинг чекланган сони (техник ва хизмат курсатувчи ходимлардан ташқари) — 5 нафар.

\* Кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари ходимлари таъминоти Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади. 5 (609)-coн — 19 — 60-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 5-ИЛОВА

## «Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўгрисида НИЗОМ

#### І. Умумий қоидалар

- 1. «Соглом авлод учун» хукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди (кейинги ўринларда Фонд деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги ПҚ—596-сон қарори билан ташкил этилган.
- 2. Фонд жамоат фонди сифатида давлат руйхатидан утказилган пайтдан бошлаб юридик шахс хукукига эга булади. Фонд хужалик мустакиллиги асосида иш куради, уз мол-мулкига, мустакил балансга, банкларда хисоб ракамларига, шу жумладан хорижий валютадаги хисоб ракамларига эга булади. Уз номидан мулкий ва мулкий булмаган хукукларни сотиб олади, тегишли мажбуриятларни бажаради.
- 3. Фонд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва Фонд уставига мувофиқ амалга оширади.
- 4. Фонд юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари, халқаро ташкилотлар томонидан унга исталган шаклда маблағ қушиш учун очиқдир.
- 5. Фонд фаолияти хайрия тусига эга. Унинг маблаглари, тушиш манбаларидан қатъи назар, устав вазифалари ва мақсадларига эришиш учун сарфланади.
- 6. Фонднинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Истикбол кучаси, 15.

### II. Фонднинг мақсади, асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари

- 7. Давлатнинг ижтимоий дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш, соглом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний кадриятларга асосланган хаётий нуктаи назарга эга бўлган маънавий бой, ахлокий етук, интеллектуал ривожланган, юкори маълумотли, жисмоний соглом, баркамол шахсни шакллантириш, она ва бола соглигини мухофаза килиш Фонд фаолиятининг максади хисобланади.
  - 8. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари хисобланади:



жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда соғлом, баркамол ёш авлодни шакллантиришга йуналтирилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

давлатнинг ижтимоий дастурларини амалга ошириш доирасида юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эхсонларини жалб этиш ва жамлаш буйича фаол иш олиб бориш;

давлатнинг она ва бола соғлиғини мустаҳкамлашга, соғлом авлодни вояга етказиш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий дастурлари мақсадлари ва мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этишни ташкил қилиш;

республиканинг бутун худудида бола туғиш, она ва бола соғлиғини мухофаза қилиш, ахолининг тиббий маданиятини ошириш масалалари буйича ахолини укитишга йуналтирилган комплекс ижтимоий ва ташвикот-тарғибот дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш йули билан жамоатчилик онгида тулақонли, баркамол ва соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун юксак масъулиятни шакллантиришга кумаклашиш;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига, энг аввало, куп болали оилалар, аёллар, ногиронлар, ногирон болалар ва болалар уйлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига, «Саҳоват» ва «Мурувват» интернат уйларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида яшовчи шаҳсларга мурувват ёрдами курсатиш;

ёлгиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни, шунингдек ахолининг кам таъминланган тоифаларини ижтимоий қуллаб-қувватлаш, шу жумладан уларнинг моддий ахволини яхшилаш;

перинатал марказлар, скрининг-марказлар, реабилитация марказлари, тугруққа кўмаклашувчи, педиатрия даволаш-профилактика муассасалари ва бошқа муассасаларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустахкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

профилактика чора-тадбирларини кучайтириш хамда ахолини вирусли ва юкумли касалликлардан химоя килишнинг ишончлилигини ошириш, ногиронликни реабилитация килиш, олдини олиш ва унинг профилактикаси ишлари, онкология муассасалари, силга карши хизматлар ва бошка хизматларнинг моддий-техника базасини мустахкамлашга кумаклашиш, профилактика ишларининг самарали тизимини шакллантириш, ижтимоий ахамиятли касалликларни барвакт аниклаш ва даволаш;

касалликлар, ногиронлик профилактикаси ва фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасидаги фаолиятга кумаклашиш, фуқароларга маънавий-психологик ёрдам курсатиш;

таълим, фан, маданият, санъат, маърифат, шунингдек шахснинг маънавий камол топиши соҳасидаги фаолиятга кумаклашиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни оммалаштириш ва ривожлантириш сохасидаги фаолиятга кумаклашиш;



она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тайёрлаш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш.

9. Фонд ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

тиббиёт, овқатланиш, экология ҳамда она ва боланинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш буйича бошқа йуналишлар соҳасида янги технологиялар, техника ва асбоб-ускуналарни яратиш ва жорий этиш;

она ва бола соғлиғи ҳаёт фаолиятининг ҳуқуқий, маънавий-одоб-ахлоқ, ижтимоий-психологик шарт-шароитларини такомиллаштиришга кумаклашиш.

#### III. Фонднинг хукук ва мажбуриятлари

10. Фаолиятнинг курсатиб утилган вазифалари ва йуналишларини таъминлаш учун Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга: фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш;

кенг тушунтириш ишлари олиб бориш йўли билан Ўзбекистон Республикаси фукаролари, хорижий фукаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳам пул маблағлари шаклидаги, ҳам адабиёт ва санъат асарлари, илмий ва амалий ишланмалар, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва бошқа моддий бойликлар шаклидаги хайрия эҳсонларини жалб этиш;

давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш;

кредитлар олиш;

ўз устав вазифаларини бажариш учун ташкилотлар ташкил этиш; инновацион лойихаларни ишлаб чикиш ва жорий этиш;

юридик ва жисмоний шахсларга инжиниринг, маслахат, ахборот хизматлари ва хизматларнинг бошқа турларини кўрсатиш;

ноширлик, ахборот, маданий-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

кургазмалар, ярмарка-сотувлар, телемарафонлар, концертлар ва бошқа томоша тадбирлари утказиш;

Фонднинг максад ва вазифаларига мувофик танловлар ўтказиш ва мукофотлар таъсис этиш;

Фонднинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;


Фонд мақсадларини таъминлаш учун тиббиёт ускуналари ва анжомлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш буйича ишлаб чиқаришни молиялаштириш;

белгиланган тартибда халқаро ташкилотларга кириш ҳамда амалий алоқалар ўрнатиш.

Фонд қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бӱлиши мумкин.

11. Фонд қуйидагиларга мажбур:

давлатнинг ижтимоий дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш;





60-модда

Фонд томонидан сафарбар этиладиган молиявий маблаглардан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;

Фонднинг худудий филиаллари, Фонд хузурида ташкил этилган ташкилотлар фаолияти ва ўтказиладиган барча тадбирларга аниқ мақсадни кўзлаб рахбарлик қилиш ва уларни мунтазам назорат қилишни таъминлаш.

Фонд қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

#### IV. Фонднинг бошкарув органлари

12. Васийлик кенгаши Фонднинг юқори бошқарув органи хисобланади. Фонднинг Васийлик кенгаши мажлиси бир йилда камида бир марта ўтказилади. Зарурият бўлганда навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мүмкин.

Фонд Васийлик кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум кенгаш аъзолари сонининг камида саксон фоизини ташкил этиши керак.

Фонд Васийлик кенгашининг мажлисида қарорлар унда қатнашганларнинг купчилик овози билан қабул қилинади.

13. Фонд Васийлик кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Фонд фаолияти ва унинг қонун ҳужжатларига ва Фонд уставига, Фонд Васийлик кенгашининг қарорларига мувофиқлигини назорат қилиш;

Фонд уставига киритиладиган ўзгартириш ва қушимчаларни тасдиклаш;

Фонд Бошқарувини ва Тафтиш комиссиясини шакллантириш;

Фонднинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкидан фойдаланишни назорат қилиш;

Фонд бюджетини тасдиклаш;

Фонднинг йиллик балансини, йиллик молиявий хисоботини, шу жумладан унинг фаолияти тўгрисида Фонд Бошқарувининг хисоботини тасдиклаш;

Фонд фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилотини навбатдан ташқари жалб этиш тўгрисида қарор қабул қилиш;

Фонд Бошқарувининг Фонднинг устав мақсадлари ва вазифаларига зид булган қарорлари бажарилишини тухтатиб қуйиш ёки бекор қилиш;

Фондни қайта ташкил этиш тўгрисида қарор қабул қилиш.

Фонд Васийлик кенгашининг ваколатларига тегишли булган масалалар Фонднинг Бошқаруви ва Тафтиш комиссиясининг ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас.

Фонднинг Васийлик кенгаши Фонднинг бошқа органларидан Фонд фаолиятига тегишли хужжатларни талаб қилиш ва олишга ҳақлидир.

Фонд Васийлик кенгашининг қарорлари Бошқарув ва Фонднинг бошқа органлари, унинг ходимлари учун мажбурий хисобланади.

Фонд Васийлик кенгашининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Фонд Бош- қаруви ва Тафтиш комиссиялари аъзоси бўла олмайдилар.

14. Фонд фаолиятига умумий рахбарлик қилиш ва Фонд Васийлик кенгаши қарорларини бажариш Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан сай-



ланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошчилик қиладиган Бошқарув томонидан амалга оширилади. Фонд Бошқаруви таркиби Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилади.

- 15. Васийлик кенгаши бир йилда бир марта жорий йилнинг 20-мартигача олдинги йил учун Фонд фаолияти тўгрисида Фонд Бошқарувининг ҳисоботини эшитиши ва тасдиқлаши шарт.
  - 16. Фонд Бошқаруви раиси:

Фонд ва унинг худудий органларининг жорий фаолиятига умумий рахбарлик қилади;

Фонд томонидан таъсис этилган ташкилотлар фаолиятини назорат килади;

Фонд Васийлик кенгаши билан келишган холда Фонд ходимларининг штат жадвалини ва уларнинг иш хақи миқдорини белгилайди;

давлат органлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда Фонд манфаатларини ифодалайди;

Фонд ва унинг худудий филиаллари ходимларининг функционал вазифаларини хамда улар меҳнатига ҳақ туҳлаш қоидаларини тасдиқлайди;

Фонднинг Васийлик кенгаши билан келишган холда чет элда ваколатхоналар очади ва филиаллар ташкил этади хамда уларнинг фаолиятини назорат қилади;

мақсадли дастурлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини ташкил этади.

- 17. Фонднинг худудий филиаллари рахбарлари Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар хокимларининг тавсиялари буйича Фонд Бошқарувининг раиси томонидан тайинланадилар.
- 18. Фонд Бошқаруви ва унинг худудий филиаллари таъминоти Фонднинг ўз маблағлари хисобига амалга оширилади.

Лавозим маошларини белгилашда Фонд ходимларига Ягона тариф сеткаси буйича куйидаги тариф разрядлари кулланилади:

Лавозимнинг номи	Фонд Бошқаруви	Худудий филиаллар
Фонд Бошқаруви раиси	17	X
Фонд Бошқаруви раисининг ўринбосари	16	15
(Фонднинг худудий филиали директори)		
Бўлим бошлиғи (бош бухгалтер, Тиббий-	14	13
ижтимоий марказ бошлиғи, шўъба мудири)		
Бош мутахассис (бухгалтер)	12	11
Етакчи мутахассис	11	10
1-тоифали иш юритувчи-котиба	8	X
2-тоифали иш юритувчи-котиба, кассир	7	7

19. Фонднинг молия-хужалик фаолиятини, пул маблагларининг максадли сарфланишини ва бошка мол-мулкидан фойдаланилишини назорат килиш



60-модда

учун Фонднинг Васийлик кенгаши томонидан уч аъзодан иборат таркибда 5 йилга сайланадиган Тафтиш комиссияси ташкил этилади.

Фонд Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вактнинг ўзида Фонд Васийлик кенгаши ва Бошқаруви аъзолари бўлиши мумкин эмас.

20. Фонднинг молиявий фаолияти ва пул маблаглари сарфланишининг тўгрилигини ва бошқа мол-мулкидан фойдаланишни текшириш Фонд Тафтиш комиссияси томонидан бир йилдаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Фонд Тафтиш комиссиясининг талаби билан Фонднинг мансабдор шахслари Фонднинг молиявий фаолияти тўгрисидаги хужжатларни унга такдим этишга мажбур.

21. Фонднинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари буйича Фонднинг Тафтиш комиссияси хулоса тайёрлайди, унда куйидагилар булиши керак:

хисоботлардаги ва бошқа молиявий хужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилиши ҳолатлари турисидаги маълумотлар;

аниқланган қоида бузишларни бартараф этишга доир тавсиялар, шунингдек Фонднинг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш буйича таклифлар.

#### V. Фонднинг мол-мулки

- 22. Фонд ва унинг худудий филиаллари томонидан ўз маблаглари ва бошқа тушумлар хисобига сотиб олинган асосий воситалар ва бошқа активлар Фонд ва унинг худудий филиаллари мол-мулкини ташкил этади.
- 23. Фонд ва унинг худудий филиалларининг пул маблаглари куйидагилар хисобига шакллантирилади:

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эхсонлари;

хорижий ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг грантлари; Фонд, шунингдек унинг томонидан Фонд олдига қуйилган вазифаларни ҳал этиш учун таъсис этилган ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

- 24. Фонднинг хар йилги бюджети Фонд Бошқаруви раисининг тақдимномаси буйича Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.
- 25. Фонд ва унинг худудий филиалларининг маблаглари биринчи навбатда тегишли давлат дастурлари ва Хукумат қарорларида назарда тутилган тадбирлар учун сарфланади.
- 26. Давлат Фонд ва унинг худудий филиаллари мажбуриятлари буйича жавоб бермайди, Фонд ва унинг худудий филиаллари давлат мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.
- 27. Фонднинг мулкий хуқуқлари қонун хужжатларига мувофиқ химоя қилинади.



### VI. Фондни тугатиш ва қайта ташкил этиш

- 28. Фондни тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 29. Фондни қайта ташкил этишга Фонд Васийлик кенгашининг қарорига биноан йўл қўйилади. Фондни қайта ташкил этишга фақат бошқа фондга қушиб юборилган, бошқа фондни қушиб олган ёки бошқа фондга қушилган холларда йўл қуйилади.
- 30. Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин тугатилган Фонднинг қолган мол-мулки давлат тасарруфига ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 6-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» Ҳукуматга қарашли бÿлмаган халқаро хайрия жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўгрисида» 1994 йил 5 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пунктлари тўгрисидаги низомда:
  - а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар, туманлар марказларида ва Тошкент шахрида» сўзлари «республиканинг хар бир туманида ва шахрида» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «маҳалла қумиталарининг» сузлари «фуқароларнинг узини узи бошқариш органларининг» сузлари билан алмаштирилсин;

- б) 2-банддаги «худудий булимлари» сузлари «худудий филиаллари» сузлари билан алмаштирилсин;
- в) 3-банддаги «Жамғарманинг» сўзи «Фонд худудий филиалининг» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 4-бандга «Таянч пункти» сўзларидан кейин «туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида» сўзлари қўшилсин;
- д) 5-банддаги «Жамғарманинг худудий бўлими бошқаруви» сўзлари «Фонд худудий филиали директорининг Фонд марказий аппарати билан келишилган» сўзлари билан алмаштирилсин;
- е) 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «худудий булими бошқаруви» сузлари «худудий филиали директори» сузлари билан алмаштирилсин;
- ж) 8-банддаги «худудий бўлими дирекцияси» сўзлари «худудий филиали директори» сўзлари билан алмаштирилсин;
  - з) 9-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:



60-модда

- «9. Туман (шаҳар) ҳокимлиги таянч пунктини бино, моддий-техника воситалари билан таъминлайди»;
  - и) 10-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;
  - к) 11-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «11. Таянч пункти фаолиятини назорат қилиш хокимлик томонидан Фонднинг худудий филиали директори билан биргаликда амалга оширилади»;
  - л) 13-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «13. Таянч пункти ўз мақсадларига эришиш ва вазифаларини бажариш учун вилоят согликни саклаш, халк таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ва уларнинг туман (шахар) бўлинмалари, бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш марказлари, Қизил Ярим Ой Жамияти ва фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустахкам хамкорлик қилади»;
- м) 14-банддаги «(ФАП, СВА)» сўзлари чиқариб ташлансин ҳамда «Ижтимоий таъминот вазирлигининг ходимлари ва маҳалла қумиталари» сузлари «бандликка кумаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ва фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари ходимлари» сузлари билан алмаштирилсин;
  - н) 16-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «16. Таянч пунктлари манфаатдор соғлиқни сақлаш, халқ таълими ташкилотлари, бандликка кумаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш марказлари билан биргаликда усиб келаётган авлоднинг жисмоний, интеллектуал ривожланиш курсаткичларини тахлил этадилар, тахлиллар ва тадкиқотларнинг натижалари умумлаштирилади ва куриб чиқиш учун Фонднинг худудий филиаллари директорларига жунатилади»;
  - о) 18-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
  - п) 19-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «19. Таянч пунктларининг устав фонди Фонднинг худудий филиаллари бадалларидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия бадаллари хисобига шаклланади»;
  - р) 21-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «21. Таянч пункти хар чоракда хисоб рақамига тушган маблағларнинг 10 фоизини мажбурий тартибда хисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунигача Фонднинг худудий филиали хисоб рақамига ўтказади. Бунда таянч пункти тушган маблағларнинг 10 фоизидан ортигини молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, қонун хужжатларида белгиланган тартибда молиявий ўзаро муносабатлар тўгрисида тегишли шартнома расмийлаштириш йўли билан Фонднинг худудий филиали хисоб рақамига ўтказиш хуқуқига эга»;
- с) 22-банддаги «юқори ташкилотга» сўзлари «Фонднинг худудий филиали директорига» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўгрисида» 1996 йил 22 февралдаги



- а) қуйидаги мазмундаги 31-банд қушилсин:
- «3¹. Тиббий-ижтимоий патронаж ишлари бригада тамойили буйича амалга оширилади.

Бригада таркибига соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари, Қизил Ярим ой жамияти, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» фондлари ва бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вакиллари киради»;

- б) 4, 5 ва 6-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «4. Айниқса қишлоқ жойларда оилалар, шахслар гурухлари ва алоҳида шахсларнинг тиббий-ижтимоий ёрдамга эҳтиёжи қондирилишини доимий ва режали ўрганиш кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари фаолиятининг мақсади ҳисобланади.
- 5. Кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари мақсадларига мувофиқ уларга қуйидаги вазифалар юкланади:

турмуш шароитларини бахолаш ва тиббий-ижтимоий муаммоларни аниклаш;

фертиль ёшдаги аёлларни ва болаларни тиббий куриклардан мунтазам ўтказиш;

айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган кам таъминланган оилаларга тиббий-ижтимоий ва мурувват ёрдами кўрсатиш;


соғлом оилани шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари буйича тушунтириш ишлари олиб бориш.

- 6. Тиббий-ижтимоий патронаж ишлари қуйидагилар томонидан амалга оширилади:
  - «Соғлом авлод учун» фондининг тиббий-ижтимоий маркази;
- «Соғлом авлод учун» фондининг худудий кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси;

соғлиқни сақлаш биринчи буғин патронаж тиббий ҳамширалари ва акушеркалари;

Қизил Ярим ой Жамияти ҳамширалари»;

- в) 7-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;
- г) 8-банднинг биринчи хатбошидаги «Тиббий-ижтимоий патронаж хизматини» сўзлари «Тиббий-ижтимоий патронаж бўйича фаолиятни» сўзлари билан алмаштирилсин;
  - д) 9-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «9. Тиббий-ижтимоий патронаж ходимларининг вазифалари, ҳисобот ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими белгиланган тартибда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» фонди томонидан тасдиқланади»;
  - е) қуйидаги мазмундаги 10 14-бандлар қушилсин:
- «10. Ҳар бир кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадасининг таркиби күйидагилардан иборат булади:
  - а) 6,5 нафардан иборат булган тиббиёт ходимлари, улардан:
  - 4 нафар врач-мутахассислар;





- 2 нафар ўрта тиббиёт ходими;
- 0,5 нафар кичик тиббиёт ходими;
- б) 1,5 штат бирлигидан иборат булган ёрдамчи ходимлар, улардан:
- 1 нафар хайдовчи;
- 0,5 нафар бухгалтер.
- 11. Хар бир кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадасида врачдан биттасига кучма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадасига мудирлик қилиш юкланади.
- 12. Тиббий-ижтимоий патронажни амалга ошириш учун зарур молиявий харажатлар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари;

грантлар ва хайрия эхсонлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобига амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари тиббий-ижтимоий патронажни амалга ошириш учун зарур бўлган қуйидаги харажатларга ажратилади:

иш хақи ва бир марталик ижтимоий тўлов;

хизмат сафарлари харажатлари;

транспорт воситалари таъминоти ва уларни жорий таъмирлаш харажатлари;

ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш (ҳар бир бригада учун бир ойда 300 литр ҳисобидан).

14. Кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаларининг тиббиёт ходимлари мехнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўгрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига мувофиқ амбулатория-поликлиника муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш каби амалга оширилади».

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорига 7-ИЛОВА

# Узбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб хисобланаётган айрим қарорлари РУЙХАТИ

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бÿлмаган ҳалқаро ҳайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 3 июндаги 268-сон қарорининг 6-банди.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бӱлмаган ҳалқаро ҳайрия жамғармасининг таклифлари тӱғрисида» 1993 йил 28 октябрдаги 524-сон қарорининг 4-банди.
  - 3. Вазирлар Махкамасининг «Соғлом авлод учун» хукуматга қарашли



**5** (609)-сон — 29 — 60-модда

булмаган халқаро хайрия жамғармаси корхоналари, бирлашмалари, ташкилотларига имтиёзли солиқ солиш туррисида» 1994 йил 8 февралдаги 61-сон қарори.

- 4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ӱзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўгрисида» 1996 йил 22 февралдаги 71-сон қарорининг 5-банди.
- 5. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли булмаган ҳалқаро ҳайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тӱ́грисида» 2000 йил 4 мартдаги 74-сон қарори.
- 6. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бÿлмаган ҳалқаро ҳайрия жамғармасининг Васийлик кенгаши таркиби тўғрисида» 2001 йил 3 майдаги 204-сон қарори.
- 7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг тиббийижтимоий патронаж тизимини яхшилаш учун Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармасининг грант маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 13 мартдаги 69-сон қарорининг 3 ва 6-бандлари.





Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.